




# ATLAS INTERNATIONAL REFEREED JOURNAL ON SOCIAL SCIENCES

ISSN:2619-936X



Article Arrival Date:28.05.2018

Published Date:27.08.2018

2018 / August

Vol 4, Issue:11

Pp:921-927

Disciplines: Areas of Social Studies Sciences (Economics and Administration, Tourism and Tourism Management, History, Culture, Religion, Psychology, Sociology, Fine Arts, Engineering, Architecture, Language, Literature, Educational Sciences, Pedagogy & Other Disciplines in Social Sciences)

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИВОР ХОМ-АШЁЛАР

**Xurshid JUMANAZAROV**

Ўзбекистан Cumhuriyeti Bilimler Akademisi Tarih Enstitüsü

Kıdemli araştırmacı-araştırmacı

Жуманазаров Хуршид Сирожиддинович

ЎЗР ФА Тарих институти катта лаборанти

+99899 880 57 90, xurshid\_87@mail.ru

### ABSTRACT

This article discusses products used in folk medicine and their properties. Specifically, it is based on the process of plant and animal products and minerals used by all nations. The article also discusses how to store and store medicinal ingredients.

**Key words:** herbs, root, leaves, animal marrow, animal meat, milk products, minerals, WHO, Academy of folk medicine.

В этой статье обсуждаются продукты, используемые в народной медицине и их свойствах. В частности, он основан на процессе производства растительных и животных продуктов и полезных ископаемых, используемых всеми странами. В статье также обсуждается, как хранить и хранить лекарственные ингредиенты.

**Ключевой слова:** травы, корень, листья, костный мозг, мясо, молочные продукты, минералы, ВОЗ, Академия Народной медицины.

Ушбу мақолада халқ табобати доришунослигида ишлатиладиган маҳсулотлар ва уларнинг хусусиятлари келтирилган. Жумладан, барча халқлар қўллайдиган ўсимлик ва хайвон маҳсулотлари ҳамда минераллар жараёнига қараб туркумланган. Шунингдек мақолада, доривор хом-ашёларни тўплаш, сақлаш қоидаларига ҳам тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** гиёҳлар, илдиз, барлар, ўсимлик танаси, хайвон илик, гушти, сут маҳсулотлари, минераллар, ЖССТ, Халқ табобати Академияси.

Табобат анъаналари маълум бир халқнинг тўплаган тажрибалари ва синовдан ўтган усуллари орқали авлоддан – авлодга ўтиб келаётган эмпирик билимлар мажмуидир. Халқ табобати анъаналари хасталикни олдини олиш, ташхис қўйиш, турли табиий воситалар ёрдамида дори -малҳам тайёрлаш ҳамда касалликни даволаш каби амалиётдан иборат. Табобат анъаналарининг ўзига хос томонларидан бири доривор хом-ашёни тўплаш ва улардан керакли дориларни тайёрлашдир. Доришунослик илми табобат анъаналарининг ажралмас қимси бўлиб, тиб илми билан ҳамоҳанг тараққий этганлиги сабабли халқ орасидан машҳур доригар табиблар етишиб чиққан.

Сўнги йилларда дунё бўйича халқ табобати усуллари ва маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда, мос равишда давлатларнинг бу соҳага ажратадиган мабалғлари ҳам ўсиб боради. Масалан, 2008 йилда табиий дори воситалари учун АҚШ ҳукумати 14,8

млрд доллар, 2012 йил ХХРси дориворлар учун 83,1 млрд. доллар, 2009 йилда Жанубий Кореятабобат соҳасига 7,4 млрд. доллар сарфлаган<sup>1</sup>. Халқ табобати таклиф қилаётган дори-дармонларининг арзонлиги, фойдалилиги, зарарсизлиги билан бир қаторда, замонавий дори-дармонларнинг зарарли оқибатларини кўплиги ҳам оммавий равишда бу турдаги дориларга бўлган талабни оширади. Халқ табобати асрлар давомида табиий воситалар орқали даволаш усулига таянган. Доривор хом-ашёларни йиғиш, қуритиш, саклаш, улардан дори маҳсулотларини тайёрлаш кўп босқичли амал бўлиб, бу жараён доригар табибдан маҳсус билим ва кўникмани талаб қилади. Доривор маҳсулотлар аҳолининг турмуш тарзи, географик жойлашуви, ҳудуднинг иқлими ҳамда флора фаунасига мос равишда туркумланади. Шундай бўлсада барча халқлар табобатида қўлланиладиган табиий хом – ашёларни шартли равишда қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин: шифобахш гиёҳлар, ўсимликлар; хайвонлар, ҳашоротлар ва паррандалар; турли минераллар.

Доривор маҳсулотларни тайёрлашда асосий хом – ашё турли шифобахш ўсимликлардир. Табобатда фойдаланиладиган табиий дориларнинг қарийб 85%<sup>2</sup>, саноат микёсида ишлаб чиқарилаётган дори -дармонларнинг қарийб 45%<sup>3</sup> турли гиёҳлардан тайёрланади. Тарихдан маълумки, араб, турк ва бошқа саҳроий халқ табиблари оддий гиёҳлар билан даволашни (туркона дорилар) йўлга қўйганлар ва буни мақсадга мувофиқ, деб билганлар. Рум ва юнон табиблари эса кўпроқ доришунослик асосида иш тутганлар. Ҳинд табобати ҳам оддий гиёҳлар билан даволаган<sup>4</sup>. Тажрибали табиблар асосан табиий гиёҳлар билан даволашга эътибор берадилар.

Табобатда қўлланиладиган гиёҳларни ўзи ҳам шартли равишда икки гуруҳга ажратилади:

- *маданий ҳолда ўстириладиган ўсимликлар*: бунга истеъмолчун инсон томонидан етиштирилган ёки инсонларга яқин атрофда мунтазам ўз ҳолича ўсувчи ўсимликлар қиради. Ушбу ўсимликлар аксар ҳолларда озуқа сифатида қабул қилиниб, бирламчи навбатда ундан даво топиш кўзланмайди. Лекин маданий ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари организмга сингиб бораверади. Бошқа томондан бу турдаги ўсимликларнинг кузатиш, ўрганиш натижасида, уларнинг маълум қисми (илдизи, барги, танаси, пўстлоғи, гули, меваси) ёки улардан олинадиган маҳсулотлар (мойлар, ёғлар, шираси, елими)нинг<sup>5</sup> шифобахш хусусияти аниқланган.

- *ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар*: инсон меҳнати натижасида эмас, бевосита табиий равишда ўсувчи гиёҳлар. Табобатда бу турдаги гиёҳларнинг асосан тоғ ва тоғоди ҳудудларда ўсадигани талаб қилинади. Чунки, ҳавонинг тозаллиги, қуёш нурини яқинлиги каби омиллар гиёҳнинг шифобахшлигини оширади. Улуғ аллома Ибн Сино ўз асарида - “саҳро (дашт)дан йиғилган дориларнинг ҳаммаси боғлардан терилган дориларга қараганда кучлироқ, тоғлардан терилган дорилар эса саҳродан терилган дорилардан ҳам кучлироқ бўлади”<sup>6</sup> – деган. Шамол бемалол ҳаракат қила оладиган ва баланд жойларда ўсадиган дорилар доим бошқаларга нисбатан кучли ҳисобланган.

Табиблар ёввойи ҳолда учровчи гиёҳларни жамлашга алоҳида эътибор беришади ва мавсумга қараб гиёҳ йиғиш билан шуғулланишган. Илгари гиёҳларни теришда асосан табиб ўз оила аъзолари билан қатнашган бўлса, чўпонлар, гиёҳни танийдиган маҳаллий тоғлиқ аҳоли ҳам бу ишларда иштирок этган. Бугунги кунда табиблар имкон қадар

<sup>1</sup>Стратегия ВОЗ в области народной медицины 2014-2023 гг. Женева 2014. С. 26.

<sup>2</sup>Hamilton A. Medicinal plants, conservation and livelihoods //Biodiversity and Conservation. 2004. 1(3), Pg.1477–1517.

<sup>3</sup> Ўлжабоева Н. Халқ табобати хазинасидан жавохирлар. Т. Янги аср авлоди. 2009. Б.16.

<sup>4</sup> Омонхона шифобахш суви. Нашрга тайёрловчи Бобомурод Эрали. Т. Зарқалам. 2006. Б. 9.

<sup>5</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри. 2016 йил.

<sup>6</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1- жилд. Т. А. Қодирий номидаги халқ мерос. 1993. Б. 185.

ўзлари гиёҳ тергани чиқсаларда, аммо гиёҳлар асосан тоғлиқ аҳоли қатлами ҳамда шу ишга ёлланиб фаолият юритувчи шахслар томонидан териб олинмоқда<sup>7</sup>. Чунки, гиёҳларни териш муддати уларнинг етилиш даврига қараб эрта баҳордан бошланади ва то кечки кузга қадар давом этади<sup>8</sup>. Табиб айрим ҳолларда беморни назорат остида узок даволашга мажбур бўлганлиги сабабли, керакли вақтда гиёҳ тергани имоният тополмайди. Гиёҳларни бошқалар томонидан теририлиши ҳамда баъзи дориворларни бошқа минтақа ва давлатларда етиштирилиши ҳисобига гиёҳлар савдоси вужудга келган. Манбаларда ўлкамизга қўшни Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Арабистон каби давлатлардан доривор гиёҳлар келтирилгани ҳақида маълумотлар учрайди<sup>9</sup>. Шу билан бир қаторда Марказий Осиёлик савдогарларнинг чет давлатларга сотадиган маҳсулотлари орасида табиий гиёҳлар ҳам ўрин эгаллаган<sup>10</sup>. Вақт ўтиши билан табиблар табиий ҳолда учрамайдиган ёки топилиши қийин бўлган гиёҳларни сунъий равишда етиштиришга ҳаракат қилишган. Масалан, Бўстонликда яшаб ўтган айрим табиблар томорқаларида ҳатто уйининг хоналарида хилма-хил дориворлар ўстирган ва уларнинг орасида четдан келтирилган гиёҳлар салмоқли ўрин эгаллаган<sup>11</sup>.

Мавжуд гиёҳларни истеъмол қилиш ҳам турлича: гиёҳларни хомлигича ўзини ёки овқатга қўшиб ейиш, гиёҳнинг бошқа гиёҳлар билан аралаштирган ҳолда тайёрланган дори кўринишида истеъмол қилиш (мураккаб дорилар)<sup>12</sup>, гиёҳнинг дориворлик хусусиятини турли йўллар билан танага сингдириш: тутатиб- (исирик, қалампир), иссиқ сувга солиб фойдаланиш (обзан (ванна) қилиш). Табиий гиёҳларга бўлган талаб бугунги кунда замонавий доришунослик соҳасида ҳам бевосита халқ орасида ҳам ортиб бормоқда. Чунки, турли кимёвий воситалар асосида яратилган дорилар инсон организмида турли салбий асоратларни қолдириши (жумладан аллергияни кўзгаши), баъзан акс таъсир ўтказиши амалда учрамоқда. Табобатда қўлланиладиган гиёҳлар инсон организмига кам салбий таъсир ўтказиши ҳамда арзон эканлиги билан характерлидир.

Доришуносликда ўсимлик, гиёҳлардан сўнг хайвон қисмлари энг кўп қўлланилади. Чунки, аксарият гиёҳлар каби парранда ва хайвон аъзоларини топиш имкони мавжуд. Хайвон қисмларидан тайёрланган воситалари қадимдан барча халқлар доришунослигида қўлланилган ҳамда бугунги кунда ҳам дунёнинг турли давлатларида табобат соҳасида ишлатилиб келинмоқда<sup>13</sup>. Юқорида тоғ ва тоғолди ҳудудларда ўсувчи гиёҳларнинг кучи ҳақида тўхталдик. Хайвонларнинг ҳам тоғли ҳудудда боқилгани, шифобахш гиёҳларни кўпроқ истеъмол қилганлиги сабабли ҳам дори тайёрлаш, ҳам истеъмол учун алоҳида эътироф этилади.

Табобатда қўлланиладиган хайвонларни ҳам икки қисмга ажратиш мумкин: хонаки ва ёввойи хайвонлар. Ислом таълимоти бўйича эса: ҳалол ва ҳаромга ажратилади. Жумладан, Ас-Саъиду-с-Самарқандий «Рисолаи сайдийя» (Овчилик рисоласи)<sup>14</sup> номли китобида турли хайвон, парранда ва даррандаларнинг яшаш тарзи, гўштининг ҳалол ёки ҳаромлиги, ҳар бираъзодаги тиббий хосиятлари ва уларнинг қайси касалликка қандай қилиб ишлатиш йўллари кўрсатиб берган.

<sup>7</sup> Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани. 2016 йил.

<sup>8</sup> Дала ёзувлари. Бухоро вилояти Қорақўл тумани. 2016 йил.

<sup>9</sup> Шншов А. Саргы/ Сборник материалов для статистики Сыр Дарьенского области. Томь IX. Т. Типолитография В. Ильина. 1904. Б. 383- 385.

<sup>10</sup> Нанзатов Б., Содномпилова М. Лекарственные средства в торгово-обменных операциях между Россией, Монголией и Китаем в XVII-XIX вв. // Вестник Бурятского научного центра Сибирского отделения Российской академии наук. 2014. № 4(16). С. 93.

<sup>11</sup> Асад Асил. Топтаганга тоғ чидамас // Қишлоқ хаёти. 2000 йил 28 апрел.

<sup>12</sup> Arnold Nyiegwen. Modernity in Traditional Medicine. Umeå. International School of Public Health, 2011. Pg.5.

<sup>13</sup> Rômulo R., Ierecê L. Rosa. Animals in traditional folk medicine. Berlin Heidelberg 2013 Pg. 6.

<sup>14</sup> Ас-Саъиду-с-Самарқандий. Жонзотларнинг тиббий хосиятлари. Т. Фан. 1994. Б.4.

Дори тайёрлашда қўлланиладиган ҳайвон қисмларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

- *тана аъзоларидан фойдаланиши*. Бу турга суяклар, қони, илиги, ёғи, гўшти, шоҳи, ички аъзолари, терси ва х.к. мисол қилиш мумкин<sup>15</sup>. Доришуносликда асосан ҳайвон, парранда ва ҳашоротларнинг алоҳида тана аъзолари қўлланилади. Табобатда ўсмиликларга бўлган муносабат каби, ҳайвон тана аъзоларини олиш ва сақлаш қоидалари алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Боситхон Шоший ўз асарида инсон буйрагидаги тошни тушириш мақсадида эчкини қонидан фойдаланиш ва бу муолажани ўтказиш тартиби келтиради<sup>16</sup>. Кўпинча алоҳида қисмлар ишлатилсада, баъзан кичик ҳажмдаги ҳашоротлар ва паррандалар бутунлигича қўлланилади<sup>17</sup>, масалан айрим қуш ва паррандалар (товук, бедана, каклик), балиқ турлари, майда ҳайвонлар (илон, тирпаткан) ҳамда ҳашоротлар (чаён, асалари) шулар жумласидандир.

- *маҳсулотлардан фойдаланиши*. Ҳайвон маҳсулотлари ҳам тана аъзолари каби дори тайёрлаш ва даволашда кенг қўлланилади. Бу турдаги маҳсулотларга сут ва сут маҳсулотлари, тухум, уруғи, кабилар мисол бўлади. Ўзбек халқ табобатида айрим гиёҳларни дориворлигини сақлаш учун сутда сақлаш ёки сутда қайнатиш усуллари қўлланилса, қатикдан эса ошқозон бузилиш, тери куйиши, уйку бузилиш каби ҳолатларда фойдаланилади<sup>18</sup>. Ушбу маҳсулотлар яқка ёки ўзаро араштирилган ҳолда (табобатда хом тухум ва сут арашмаси болалар бўйини ўстириш мақсадида тавсия этилади) ишлатилади.

- *чиқиндилардан фойдаланиши*. Ҳайвонларнинг ахлати, пешоби, сулаги даволаш ва тозалаш мақсадида турли халқлар табобатида ишлатилади. Бунда аҳолининг машғулоти тури ва ҳудуднинг ҳайвонот дунёси<sup>19</sup> ва диний қарашлари муҳим ўрин тутди. Жумладан, чуваш халқлари кучли оғриқни қолдириш мақсадида ҳайвонларнинг пешобидан, қорин оғриғини даволашда от ахлатидан<sup>20</sup> фойдаланишган. Араблар эса V-VI асрлардаёқ туя пешобини даволашда кенг қўллашган, жумладан бадавий араб аёллари туя пешобидан болаларни тери касалликларидан мудофаза қилиш мақсадида ва безгакни даволаш учун қўллашган<sup>21</sup>. Шарқ табобатида сигир ахлати илон чаққан жойга қўйилса захар таъсирини олди олиниши, от ахлатини тери яраларига қўйилса тез тузалиши<sup>22</sup> каби муолажалар мавжуд. Бу турдаги дорилар аҳоли ўзлари боқадиган чорва молларининг чиқиндиларидан қилинган.

Ҳайвонлардан дори хом – ашёсини олишда эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар мавжуд. Куклам пайтида ва ёш ҳайвондан доривор қисмлар олиниши, шунда ҳам танаси соғ ва аъзолари тугалини танлаш керак<sup>23</sup>. Ҳайвон қисмлари сўйган пайтида олиниши зарур. Марказий Осиёга ислом дини кириб келгач, айрим ҳайвонлар, жонзотлар ва бошқа жониворларни истеъмол қилиш қоидалари тартиб солинди. Бугунги кунда турли ҳайвонларни истеъмол қилишда ёки уларнинг аъзоларидан дори тайёрлашда айнан ислом қоидалари асос бўлиб хизмат қилади. Яъни, ҳайвон қоидага биноан сўйилиши, аъзоларига қон тегмаган, касаликка чалинмаган бўлиши керак. Дала тадқиқодларида олинган маълумотларга асосан бугунги кунда аксарият табиблар

<sup>15</sup> Alves R., Rosa I. Why study the use of animal products in traditional medicines? // Ethnobiol Ethnomed, 2005. №1 (5). Pg.1–5; Lev E. Traditional healing with animals (zoo therapy): medieval to present-day Levantine practice // Ethnopharmacol. 2005. № 85. Pg. 107–118.

<sup>16</sup> Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Фавоид ул-адвийя ва мавоид ул- аззия (Дориларнинг фойдалари ва овкатлар дастурхонининг манфаатлари). Т. Фан. 2007. Б. 60

<sup>17</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри. 2016 йил.

<sup>18</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри. 2016 йил.

<sup>19</sup> Паутова В. Народная медицина аборигенов Западной Сибири в трудах исследователей XVIII- начала XX вв. авторе, дисс. для канд. ист. наук. Н. 2005. С. 13.

<sup>20</sup> Никонова Л. Традиционная медицина тюркских народов Поволжья и Приуралья как часть системы их жизнеобеспечения. Р. 2000. С. 78.

<sup>21</sup> Каримова С. Исмоил ал-Бухорийнинг табобатга оид ҳадислари // Шарқшунослик. № 9. 1999. Б.15

<sup>22</sup> Мухаммад ал Ҳаравий. «Манофеъ ул-хаёт» китобидан. Жонзотларнинг хосиятлари // Шарқ табобати. 2000. №3-4. Б.20

<sup>23</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари... Б. 185 .

динда истеъмол қилиш буюрилган хайвон ва паррандаларни дори учун буюрадилар ёки ўзлари дори тайёрлашда қўллайдилар<sup>24</sup>. Ўрта асрларда табобатга бағишланган асарларда келтирилган хайвон аъзоларининг барчасидан ҳам бугунги кунда фойдаланишнинг имкони йўқ. Чунки, биринчидан, айрим хайвонларни қирилиб кетганлиги ёки давлат томонидан махсус ҳимояга остида эканлиги бўлса, иккинчидан аксарият қўлга ўргантилган хайвон ва паррандалардан ўриндош сифатида фойдаланиш мумкин.

Халқ табобатида дори тайёрлашда қўлланиладиган учинчи восита бу турли минераллар ва табиий қотишмалардир. Шифобахш гиёҳлар ва хайвон маҳсулотларига нисбатан бу турдаги маҳсулотларни топиш бироз мураккаб жараён. Минералларнинг тоғли ҳудудларда мавжудлиги, изловчининг керакли қотишмани яхши билиш, уни олишдаги жисмоний меҳнат ана шу мураккабликни келтириб чиқаради. Шундай бўлсада, қадимдан табобат аҳли бу турдаги маҳсулотни керакли даражада қўллашган. Масалан, шарқ табобатида мумиё, мис купароси, симоб, олтингурут, азот кислотаси ва ҳар хил минераллар, нашатир спирти кабилардан самарали фойдаланилган<sup>25</sup>. Табобатда қўлланиладиган минераллар асосан тоғ жинслари ва кимёвий бирикмалардан иборат. Тоғ жинсларини олишда унга бегона нарса арашмаган, тоза бўлиши, яъни фақат моддадан иборат бўлиб, ранги ва мазасини йўқотмаган бўлиши зарур<sup>26</sup>.

Ўзбек халқ табобати тарихига назар солсак турли даврларда бошқа дориворлар каби минераллар дорилар савдосига эътибор қаратишган. Яқин ўтмиш, яъни XIX аср охири ва XX аср бошларида воҳа ва водий бозорларида сотиладиган ҳам табиблар ўзлари етказиб берадиган минераллар турлари манбаларда келтирилган<sup>27</sup>.

Минерал ва маъданлардан фойдаланиш усули икки хил: уларни якка ҳолда (туз, қум, ва бошқа минераллар ёрдамида тана қисмларини обзан (ванна) қилиш) ишлатиш ҳамда мураккаб дори тайёрлашда қўллаш. Мураккаб дориларни тайёрлашда табиб турли кимёвий ҳодисалардан хабардор бўлиши, минералларни захрини кесиш йўллари билиши керак.

Дунё халқлари орасида халқ табобати маҳсулотлари ҳамда даволаш усулларига бўлган талабнинг кучайиши натижасида, сўнги йилларда бу соҳани тадқиқ қилиш, ютуқларини амалиётга жори этиш ҳамда айрим давлатлар (Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам, айрим Африка қитъаси давлатлари)да замонавий тиббиёт билан интеграциялашуви кучайди. Халқ табобати анъаналарини ўрганиш, сақлаб қолиш ва ютуқларини амалиётга тадбиқ қилиш ва соҳани ривожлантириш мақсадида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2014-2023 йилларга мўлжалланган халқ табобатини ривожлантириш стратегиясини қабул қилган. Юртимизда ҳам мустақиллик йилларида қатор ўзгаришлар амалга оширилди. 1996 йилда Халқ табобати Академияси ташкил этилган бўлиб, бу ташкилот табиблар фаолиятини мувофиқлаштириш, табобат анъаналари асосида аҳоли саломатлигини сақлашга эътибор қаратади. Сўнги йилларда табобат анъаналари ёрдамида даволаш, дори тайёрлашга бағишланган турли адабиёт, қўлланмаларнинг кўпайиши ҳам ушбу илмга бўлган қизиқишни белгилайди. Лекин амалда ҳал қилиши лозим бўлган айрим муаммолар ҳам талайгина. Биз доривор ҳом-ашёлар миксёсидаги муаммоли масалаларга эътибор қаратамиз.

<sup>24</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри. 2016 йил.

<sup>25</sup> Жавлиев Т. Анъаналар ҳаёт сабоғи. Т. Ўзбекистон. 1992. Б. 22.

<sup>26</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари... Б. 184.

<sup>27</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Кушелевский В. Материалы медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том I. Новый Маргелан. 1891. С.245-246; Сейфулмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. 1928. № 9-10. С.70; Огудин В. Атторы аптекари народной медицины мусульманского востока // Этнографическое обозрение. М. 2001. № 2. С. 123-124.

Биринчидан: табобатда қўлланиладиган турли шифобахш ўсимликлар ҳамда гиёҳларнинг йиғиш жараёнида мавжуд қоидаларга амал қилинмаслиги. Ўсимликларнинг йиғиш жараёни пала-партиш ташкил қилиниши(асосан ноқонуний равишда маҳаллий аҳоли томонидан гиёҳ йиғилиши), томири билан юлиб олинishi натижасида гиёҳлар заҳирасини кескин камайишига олиб келади. Бошқа томондан гиёҳларни йиғиш вақти (куртаклар-бахорда, илдизлар-кузда... йиғилиши)га эътибор қаратилмаслиги натижасида ҳам гиёҳларни камайишига ёки олинган гиёҳнинг дориворлик хусусиятини йўқолиши олиб келади. Шу сабабли гиёҳларни тўплаш, қуритиш, сақлаш жараёнини тизимли ишлаб чиқишга йўлга қўйиш лозим.

Иккинчидан: ҳайвон маҳсулотларидан фойдаланишда қонун қоидаларга амал қилинмаслиги. Айрим ноёб ҳайвонларни ноқонуний тутиш ва ов қилиш, уларни кўпайиш даврида ҳамяширин равишда тутиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Ноқонуний тутилган дашт илонлари ҳамда кўпайиш даврида ушланган балиқлар, қушлар(бедана, каклик...) ва овлаш таъқиқланган ҳайвон турлари савдоси сақланиб қолмоқда. Бу борада ҳам жазо чораларини кучайтириш ва йўқолиш арафасида турган ҳайвонот дунёсини мақсадли кўпайтириш ва қўриқлаш ишларини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан: мавжуд гиёҳлар ва ҳайвон аъзоларининг савдоси. Бугунги кунда барча вилоят ва туман бозорларида, сихатгоҳлар яқинида доривор ҳом-ашёлар савдоси мавжуд. Уларнинг аксарияти тиббий билимга эга бўлмаган, фақатгина гиёҳ номи ва қайси ҳайвоннинг аъзоси эканлигини биладиган маҳаллий аҳоли томонидан ташкил қилинган. Иккинчи томондан уларни сақлашда қоидаларга етарлича амал қилинмаслиги(айримларини куёш нури тўғри тушишидан сақлаш, айримларини полителен пакетга солинмаслиги, ҳайвон аъзолари (асосан ёғи, гўшти, тана аъзолари..)ни сақлашда гигиенага амал қилиш) кузатилади. Бу жараёнлар табиий дориларнинг кучини пасайиши ва айрим ҳолларда соғлиқ учун ноҳуш ҳолатларга олиб келади.

Тўртинчидан: айрим аҳоли қатламнинг етарли тиббий билимга эга бўлмасдан табиий воситалардан кўр-кўрона фойдаланиши. Табобатда ҳар бир беморга алоҳида ёндашилади ва дори буюришда ҳам шунга амал қилинади. Яъни, бир инсон маълум гиёҳни ёки мураккаб табиий дорини қабул қилиш натижасида фойда кўриши, бошқага ҳам бир хил таъсир қилади дегани эмас. Жумладан, табиатан шифобахш бўлган эчки сути ҳаммага турлича таъсир қилади. Бунда инсоннинг ёши, яшаш муҳити, илгари шу турдаги маҳсулотни қабул қилган-қилмагани муҳим. Бу борада малакали табибдан тавсия олиш талаб этилади.

Халқ табобатида доривор маҳсулотларни йиғиш ва керакли дорини тайёрлаш учун табиб биология, кимё, фармакология каби бир қанча фанларни билиши керак. Доришунослик билими табобат аъханалари билан бир даврда юзага келиб аввал содда дорилар (таркиби битта маҳсулотдан иборат), кейинчалик мураккаб дорилар (хилма хил маҳсулотлардан ташкил топган ва тайёр бўлиш вақти ҳам маълум даврни талаб қилади)нинг тайёрлаш усуллари яратилди. Асрлар давомида табибларнинг кузатишлари, тажрибалари асосида гиёҳ қисмларини йиғиш мавсуми, дори учун ҳайвон аъзоларини танлаш, минералларни топиш ва уларни тозалаш, куйдириш, дори учун керакли миқдорини аниқлаш каби билимлар пайдо бўлди. Аҳолининг машғулоти тури, жойлашган ўрни ҳам тиббий билимларни ривожига ҳисса қўшган. Дехқончилик касби эгалар мунтазам маданий ва ёввойи ўсимликларни кузатиши, уларни ўрганиши натижасида гиёҳларнинг шифобахш хусусиятлари ўрганилган бўлса, чорвадорлар ҳайвон аъзоларини касалликка даво бўлишини аниқлаш билан бир қаторда тоғларда ўсувчи гиёҳларни йиғиш ишлари билан ҳам шуғулланишган.

Халқ табобати касаллик давосини атроф-муҳитдан қидиради. Яъниинсонга энг яхши даво ўзи яшаб турган табиатдир. Демак, мавжуд табиатни ва доривор маҳсулотларни асраш ва кўпайтириш аввало ўз соғлиғини асраш билан ҳамохангдир.

